

УДК:631.52, 633.31.

**БЕДА НАВДОРЛИГИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ НАВНИНГ ШЎРГА  
ЧИДАМЛИЛИГИ ВА НОТИПИКЛИГИ БЎЙИЧА ЧИҚИТГА ЧИҚАРИШ БИЛАН  
ЯХЧИЛАШ УСЛУБИ**

**Бердикеев Б.Б**

*Илмий котиб;*

**Турганбаев А.К**

*лаборатория мудири;*

**Атаниязов А.С**

*лаборатория мудири;*

**Бердикеев Д.Б**

*мустақил изланувчи.*

*Қорақалпогистон дәхқончилик илмий тадқиқот институти.*

*Ўзбекистон, Қорақалпогистон Республикаси, Чимбой тумани. ҚҚДИТИ.*

**Аннотация:** Қорақалпогистонда беда навлари навдорлиги ва урганинг ҳосилдорлиги кўплаб омилларнинг таъсири натижасида, айниқса тупроқнинг шўрланиши ва қуруқ ҳаво туфайли ўзгариб туради.

**Калит сўзлар:** Беда, “Қорақалпоқ-15” нави, ургелик кучатзори, навдорлик, нотипик оиласалар, чиқитга чиқарииш, ҳосилдорлик.



Орол бўйи худудида суғориладиган катта экин майдонларидаги қучли шўрланиш сабабидан тупроқнинг мелиоратив ҳолатининг пасайиши, шўр ювишга сув захираларининг камайиши, худудтаги қишлоқ хўжалиги экиnlари турлари ва навлари ҳосилдорлигига катта зарар етказди.

Худудтаги экстремал шароитда сунги йилларда кузатилаётган сув танқислигини юмшатиш, чорва молларини тўйимли, ширали озуқа билан таъминлаш билан бир қаторда тупроқ унумдорлигини ошириш, дехқончиликдаги асосий муаммолардан биридир. Бу мақсадга эришишда албатта беда экинининг ўрни бекиёсдир. Беда тўпроқ ўнимдорлигини, мелиоратив ва фитосанитар ҳолатини яхшилашда аҳамиятли бўлиб,

чорвачилик соҳасида энг муҳим, тўйимли озуқа экинларидан бири хисобланади. Ер унумдорлигини оширишда беданинг ўрни бекиёс. Беданинг 2-3 йилгиси тупроқнинг 40 см қатламида ҳар гектарда 600-800 кг биологик модда, 30-35тонна илдиз қолдиги тўплайди.

Дунё микёсида кўп йиллик ем-хашак экинлари ичида энг кўп тарқалгани бу бедадир. У 80 дан ортиқ давлатларда етиштирилади. Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра беда экин майдони 200 минг га ни ташкил қиласди, шундан 1750 га уруғлик бедадир.

Беда (*Medicago sativa*) витамин, оқсилга бой ем-хашак экини ҳисобланади. Беда таркибида ҳазм бўладиган протеин бошқа ўтларга қараганда, энг кўп бўлиб, унинг 100 килограмм қўк массаси таркибида 21,7 озуқа бирлиги ва 4,1 килограмм ҳазм бўладиган протеин, 100 килограмм пичанда 45,3 озуқа бирлиги ва 10,3 килограмм ҳазм бўладиган протеин бор. Беда пичани таркибида 0,35-0,40% фосфор, 0,25-0,3% калций ва бошқа микроэлементлар бўлади. Беда озуқасининг ҳазм бўлиши 70-80% га етади.

Жаҳон фанида гетерозис жараёнидан фойдаланиш, гаплоидларни ишлаб чиқариш ва ўз-ўзидан мос келадиган беда линияларини яратиш бўйича тадқиқотлар давом этмоқда. Беда билан генетик тадқиқотнинг янги йўналиши хўжайралар ва тўқималар маданиятидан фойдаланган ҳолда соматик дурагайлаш бўйича илмий ишлардир. Иқтисодий ва қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган беда навларини яратиш мақсадида, анъанавий ва ноанъанавий усувлардан фойдаланиш талаб этилади [3].

Оммавий кўпайиш ва ишлаб чиқариш жараёнида навга хос бўлган қимматли иқтисодий ва биологик хусусиятлар аста-секин ёмонлашади, бунинг натижасида уруғларнинг навдорлиги, экиш сифати ва ҳосилдорлик хусусиятлари пасаяди. Шу муносабат билан уруғчиликнинг вазифаси тумланлаширилган навларни ишлаб чиқаришда етиштирилган барча уруғларнинг навдорлиги ва маҳсулдор хусусиятларини сақлаб қолиш зарур [4].

Беданинг серҳосил, шўрга ва қурғоқчиликга чидамли, юқори озуқа бирлигига эга кўк масса, сифатли уруғлик берадиган навлари Қорақалпоғистонда 1960-1990 йиллари яратилган. Беданинг маҳаллий “Қорақалпок-1” ва “Қорақалпок-15” навлари серҳосил бўлиб, 1 гектардан 150-200 центнер пичан ва 400-600 центнер яшил масса, 3,5-4,0 центнер уруғлик ҳосили беради. Шунинг учун маҳаллий беда навлари экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш, экспортбоб беда уруғини етиштиришни йўлга қутиш ҳозирги даврда аҳамиятга эга масаладур.

Лекин сўнги йиллари, Орол бўйи худуднинг тупроқ-иқлим шароитининг ўзгариши, экин майдонларининг шўрланиши, ҳар йилги такрорланаётган сув танқислиги ва навнинг уруғчилиги тизимли туғри ташкил этилмаганлиги сабабли маҳаллий беда навларининг экин майдонлари, навларнинг навдорлиги ва ҳосилдорлигининг камайиши кузатилмоқда.

Тадқиқот мақсади: Орол бўйи шароитида беданинг “Қорақалпок-15” навининг навдорлигини яхшилаш ва бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳисобланади.

Беданинг “Қорақалпоқ-15” навининг навдорлигини яхчилаш ва бирламчи уруғчилиги бўйича тадқиқот ишлари “Беда етишириш бўйича қўлланма” [1], “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [2] қўлланмалари асосида олиб борилди.

Тадқиқот даласида беданинг вегетация даврида уруғлик кўчатзорида 85 та оиласда морфологик белгилари ва фенологик ривожаниши, хўжалик қиматли хусусиятлари бўйича кузатувлар ва таҳлиллар олиб борилди.

Беданинг уруғлик кўчатзорида дала кўриклари икки маротаба ўтказилди. Жумладан: биринчи дала кўриги оиласарда 1 - ўримгача беда гуллаши даврида ва иккинчи дала кўриги 2 - ўримгача беда гуллаши даврида ўтказилди. Дала кўригидаги навининг навдорлигини яхшилаш учун асосий итибор оиласарнинг навга хослигига (типиклигига) қаратилди.

Шунингдек, оиласардаги ўсимликларнинг касалланиши, заракунандалар билан заарланиши, ривожланиш даражаси бўйича баҳоланди ва чиқитга чиқарилди.

**Беданинг “Қорақалпоқ-15” навини уруғлик кўчатзоридаги  
дала кўриклари натижалари(жами 85 та онла).**

№	Яроқсизга чиқарилган сабаблари	1 - дала кўриги		2 - дала кўриги		Жами яроқсизга чиқарилди			
		Жами яроқсизга чиқарилди, дона		Жами яроқсизга чиқарилди, дона		Оиласар	Улардан ўсимликлар сони	Яроқсизга чиқарилмаган оиласардан ўсимликлар сони, дона	Яроқсизга чиқарилмаган жами ўсимликлар сони, дона
		оиласар	Яроқсизга чиқарилмаган оиласардан ўсимликлар сони	оиласар	Яроқсизга чиқарилмаган оиласардан ўсимликлар сони				
1	Нотипклиги	6	520	-	363	6	1925	883	2808
2	Касалланганлиги	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Зааркунандалар билан заарланган	-	645	2	361	2	600	1006	1606
4	Сийраклиги бўйича	9	-	-	-	9	2555	-	2555
5	Чанқаб колганлиги бўйича	-	-	4		4	1208		1208
6	Ривожланиши бўйича	-	312	11	494	11	8223	806	9029
<b>Жами</b>		<b>15</b>	<b>1477</b>	<b>17</b>	<b>1218</b>	<b>32</b>	<b>14511</b>	<b>2695</b>	<b>17106</b>

Тажрибада ўтказилган 1 чи ва 2 чи дала кўриклари натижасида уруғлик кўчатзоридаги 85 та ойладан 6 та ойла, нотипклиги бўйича, 9 та ойла пайкалдаги туп сийраклиги бўйича, 2 та ойла зааркунандалар билан заарланганланлиги сабабли, 4 оила чанқаб қолганлиги сабабли ва 11 та ойла ривожланиши пастлиги бўйича чиқитга чиқарилди. Жами иккита дала кўриклари бўйича уруғлик кўчатзоридан 85 та ойладан жами 32 ойла ва улардаги жами 14511 дона ўсимликлар, чиқитга чиқарилмаган 53 та ойлани куриқдан ўтказиш натижасида нотипик, зааркунандалар билан заарланган, ривожланишдан ортта қолганлиги сабабли 2695 та ўсимликлар, жами кучатзор бўйича 2 дала куриклари натижасида 17106 та ўсимлик чиқитга чиқарилди. Дала кўриклари натижасида уруғлик тайёрлаш учун навдорлиги яхшиланган 53 та ойла танлаб олинди.

Дала кўриклари натижасида нотипклиги бўйича чиқитга чиқарилган оиласар, беда гуллаши бошланиши даврида тўлиқ ўриб олинди. Чиқитга чиқарилмаган оиласардаги чиқитга чиқарилган ўсимликлар пайкаллардан ўриб олинди. Тадқиқот бўйича 2 маротаба дала кўриклари бўйича чиқитга чиқарилмаган оиласар нотипик,

зааркундалар билан заарланган ва ривожланиши паст бўлган ўсимликлардан тозаланиши натижасида навнинг навдорлигининг 100% га яхшиланишига эришилди.

Хуроса: Қорақалпоғистонда беда навлари навдорлиги ва уругининг ҳосилдорлиги кўплаб омилларнинг таъсири натижасида, айниқса тупроқнинг шўрланиши ва қуруқ ҳаво туфайли ўзгариб туради. Беда навларининг ҳосилдорлиги ҳар бир майдон учун ўсимликлар сонига, тупдаги пояларга, поядаги шохларга, шохлардаги барглар ва мева органларига боғлиқ.

Беда уруғлик экинларида, ем-хаشاқдан фарқли ўлароқ, ўсимликларнинг нормал ривожланиши, яхши озиқлантириш ва парваришлаш, чанглатувчи ҳашаротлар беданинг гуллаш пайтида экин қатор орасига эркин киришини таъминлайдиган бўлиши зарур.

Беданинг “Қорақалпоқ-15” навининг навдорлиги икки маротаба дала қўрикларини ўтказиб, навга хос бўлмаган, касалланган, зааркундалар билан заарланган оила ва ўсимликларни чиқитга чиқариш усули билан 100% га яхшиланишига эришилди.

Беданинг “Қорақалпоқ-15” навидан дала куриклари натижасида навдорлиги яхчиланиши сабабидан якка ва оммавий танлов усули билан оиласардан 3,0-3,5 ц/га юқори авлодли беда уруғлиги ҳосили етиштирилди.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Беда етиштириш бўйича қўлланма. Тошкент. 2019.
2. “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” Тошкент. 1976 й.
3. Ли А., Абдужаббаров О. Производство семян люцерны в Республике Узбекистан. //AGRO ІЛМ. Ташкент. 2017. №2. -с.48-49.
4. Косолапов, А.М., Трофимова И.А., Яковлева Е.П. Многофункциональное кормопроизводство России. //Кормопроизводство. 2011. №10. -с.3-5.